

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 59 (6801)
1997 йил, 2 август, шанба

Сотувда эркин
нархда

ЎЗБЕКИСТОНИМ ЎЗИНГ

Тоҳир ҚАҲҲОР шеъри
Хайрулло ИНОҒОМОВ мусикаси

Ўз элимсан, ўз тилимсан,
Ўзбекистоним ўзинг!
Бу жаҳонда бир қўшдай
Бир чароғбоним ўзинг!
Офтоб бир донанондир,
Бу замин — бир донанон.
Бу заминда энг муқаддас,
Неъматим, ноним ўзинг!
Меҳрибон халқим буюқдир,
Меҳнатинг, меҳринг мисол.
Эй, жаҳон мезбони бўл,
Энди меҳмоним ўзинг!
Ўзлимни ўзгаларга,
Кўрсатиб, фахр эттириб.
Янраган минг йиллар ичра,
Нурли достоним ўзинг!

Бу кўшиқни ўрганинг



Янги ўқув йилига тайёرمىсиз?

ҲАМ ЖИҲАТЛИКДА ГАП КЎП

Бекорга айтишмас экан, ҳамкорликда, ҳамжихатликда, аҳилликда гап куп, деб. Бугеги кучиб, нураб куринаётган синфхоналарни кўриб, аввалига роса бошимиз қотди. Ва... кенгашиб биргаликда олиб борган ишимизнинг натижаси ёмон бўлмади. Тумандаги илғор мактаблар қаторида таъмирлаш ишларини якунладик.

Бизга ота-оналар, ўқитувчилар, ҳаттоки ўқувчилар ҳам ёрдам беришди. Четдан уста чақирмадик. Усталар бажариши мумкин бўлган ишларни ўзи-

миз ҳам қила олишимиз мумкин экан.

Мактабни таъмирлаш ҳақида тузилган бригадамиз мундарижасида директоримиз. Х.Акмалов, ўқитувчилардан М.Қобулова, У.Қосимова, С.Абдуллаева, Д.Зохидова, Ф.Шарофуддинхужаева, Г.Мухаммедова, Г.Бобомухаммедова, ёрдамчилардан Маъпура опа, Мухайё опа, Манзура опаларнинг ҳам номлари бор.

Биз янги ўқув йилига синфхоналаримизни тайёрлаб қўйдик. Мактабимиз биноси куркамлашиб, янги манзаралар касб этгани ўқувчиларни ёруғ юз билан қарши олишга тайёр турганимиздан далолатдир.

Шоира СОДИҚОВА,
Тошкент шаҳар,
С.Раҳимов туманидаги
28-ўрта мактаб.

Мирзачўлда тарихий музейлар бармоқ билан санарли даражада оз. Лекин бу улкада шундай жойлар борки, улар тарихи жуда қадим-қадим замонларга бориб тақалади. Булар — Сардобалардир. Тарихдан маълум бўлишича, бу Сардобалар XVI — XVII асрларда Бухоро хони Абдуллахон даврида қурилган бўлиб, Мирзачўл ҳудудида 3 та бўл-

мишда сувсиз чўлда йуловчиларнинг асосий бошпанаси шу Сардобалар бўлган.

«Пахтаобод» ҳужалиги ҳудудидаги Мирзачўлда ягона «Сардоба» аҳволи ҳам бугунги кунда ачинарли. Шундоққина Тошкент — Термиз катта автомагистралидан куришиб турган бу осори атиқа бундан ун йиллар аввал нари-бери

Кўнғироқ

ҳам ота-боболари босиб утган гоёт қимматли ҳаёт фаолиятининг бир қиррасини шу каби тарихий обидалар мисолида ўз кўзлари билан кўриб, томоша қилиш, энг муҳими — фахрланиш ҳиссини туйишни чин қалбдан иштади, албатта. Улар ҳам та-

ПАХТАОБОД «САРДОБА»СИ ҚАЧОН ОБОД БЎЛАДИ?

ган. Бириси Маликчўлда, бири ҳозирги Оқолтин тумани марказида ва яна бири Ш.Рашидов тумани ҳудудида жойлашган. Бугунга келиб ана шу тарихий обидалардан фақат биттаси — Ш.Рашидов тумани «Пахтаобод» ҳужалиги ҳудудидагиси сақланиб қолган.

Хуш, «Сардоба» дегани нима? Сардобалар асосан қарвон йулларида ҳар 20—30 километр масофага қурилиб, йуловчилар дам олиб, ҳордиқ чиқарадиган бекат вазифасини утаган. Бундай ўзига хос «бекатлар» атрофининг аксариятида қарвонсаройлар, юк омборлари, одамларнинг тунаши ва дам олишлари учун мулжалланган уйлар бўлган. Ана шу уйларга қараш, йуловчиларга хизмат кўрсатиш учун бир неча оила бу ерда доимий яшаган, албатта. Ут-

таъмирланганича хароба ҳолда турибди. Мазкур Сардоба асрлар қабридан сузлаб турувчи ноёб, ҳақиқий меъморий ва маданий ёдгорлик бизнингча. Бу бебаҳо осори атиқа бугунги кунда маҳаллий ҳокимликлар эътиборини кутиб ётибди. Қолаверса, бу ишга бевосита мутасадди бўлган Сирдарё вилоят «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси бўлими раҳбарлари диққат-эътиборидан ҳозирча четда турибди. Ахир мирзачўллик ёшлар

рихни бутун борлигича урганишга чанқоқ туришибди.

Давронбек АЗИМОВ,
Сирдарё вилояти, Ш.
Рашидов туманидаги У.
Юсупов номи 14-ўрта
мактабнинг 8-синф
ўқувчиси.



Суратда: Пахтаобод «Сардоба»сини кўриб турибсиз.

Муаллиф чизган сурат.



— Ўқувчи ва ўқитувчи муносабати қандай бўлиши керак?

— Ўқитувчи биринчидан ўз касбининг сир-асрорини чуқур эгаллаган бўлиши ва бу касбга эътиқод назари билан қараши керак.

Замон шиддати билан ўсиб бораётган ҳозирги ўқувчилар ниҳоятда синчков. Улар бирикки соат дарс мобайнида ўқитувчини тулиқ урганиб, унинг ютуқ ва камчиликлари тез сезишади. Шунга қараб, ўқитувчи билан муомала қилади (яъни дарсда яхши ёки ёмон қатнашади).

Менга қолса, ўқитувчи ва ўқувчи орасида, уларнинг муносабатида баланд тоғ бўлмаслиги керак. Лекин бу дегани, ўқитувчининг ички дунёсидаги ҳиссиётларидан, кечинмаларидан ўқувчи хабардор бўлмаслиги керак. Яъни дарс жараёнида ўқитувчи ўқувчига нисбатан талабчан, қатъиятли, айтган нарсаларини албатта амалга ошириши лозим. Ўқитувчи ҳамма вақт ўқувчиларга ҳар томонлама урнат бўлиши шарт. Кийини, сузлашиш, тўй ва жамоат жойларида узини тутат билиш маданиятини ўқувчиларга намойиш этиб уларни ўз орқасидан эргаштира билсин. Айрим жойларда мактаб ўқувчилари билан ўқитувчилар бирга ўтириб, тамаки чекиш, ароқ ичиш ҳоллари ҳам учрайди. Баъзан эса аёл ўқитувчи муаллималаримиз ута кунгитчанлик қилишади, мактабга ниҳоятда палапартиш кийиниб келишиб, ўқувчиларнинг узларига нисбатан нописандлик билан қараши, ҳурмат қилимай қуйишига сабаб бўлади.

Ўқитувчи уткир фикрловчи, зукко, ўз фанининг устаси, маданиятли, чаққон, шиддатли бўлгандагина ҳозирги замон ўқувчиси олдида қадр топади.

— **Мактабдаги рейтинг усули сизни қониқтирадими?**

— Ҳозирги кунда Ўзбекистонимиздаги жуда кўп мактаб ўқитувчилари ижодкорликка, янгилликка, хорижий мамлакат мактабларидаги дарс бериш усулларини тезроқ ўз мактабларимизда жорий этиш учун бор кучларини сарфламоқдалар.

КЕЛАЖАКНИ АСРАР ҲАҚИҚАТ

Уч ойлик таътил ҳам якунланиб бормоқда. Айни пайтда мактабларни ўқув йилига тайёрлаш, таъмирлаш ишларини тугатиш вазифалари ҳар бир ўқитувчининг бурчига айланган.

Болаларнинг юрагида соғинч, ҳаяжон ҳисларини уйғотган қадрдон мактаб ўқитувчиларининг кўнглидан нималар кечяптийкан, шу кезде?

Биз ўзимизни қизиқтирган саволларга жавоб олиш учун Жиззах вилояти Зомин туманидаги 39-ўрта мактабнинг олий тоифали ўқитувчиси Бонугул Нарзиева билан суҳбатлашдик:

Шулардан бири рейтинг усули. Ана шу рейтинг усулида айрим ўқитувчилар тушуниб, айрим ўқитувчилар тушунмасдан кур-курона утиб, натижада ҳам узларини, ҳам ўқувчиларни чалғитиб келмоқдалар. Менга қолса, хорижий мамлакатларнинг дарс ўтиш услубларига кур-курона утиш шартмикан деб уйлайман. Ўзимизнинг тарихимизда ўтган буюк алломаларимиз қачонлардир урганган қадимий усул ва тажрибаларини қайта тиклаб улардан фойдаланиш вақти етмадимикан?

— **Ҳозирги бозор иқтисоди шароитида баъзи қийинчиликлар бўлиши табиий. Айниқса шу кунларда янги ўқув йилига тайёргарлик ишлари олиб борилаётган бир пайтда сизни нималардир қийнаётгандир. Бу борада қандай ишларни амалга ошираяпсизлар?**

— Ҳозирги бозор иқтисоди шароитида мактабларимизда... ҳали анча қийинчиликлар бор. Биз уларни босқичма-босқич, мардонавор енгиб келмоқдамиз. Ота-оналар, маҳалла кўмиталар ёрдами билан мактабимизнинг ремонт ишларини тугатиш арафасидамиз. Бундан ташқари ўтган ўқув йилида мактабимизда ота-оналар меҳнати билан

«Маънавият ва маърифат» маркази очилди. Бу ерда ота-оналар билан учрашув, ўқувчилар би-

Лекин мактабимизда бир неча йилдирки, иситиш системаси ишга туширилмади ёки қайта қурилмади. Ҳадемай киш эшик қоқиб келади. Совуқ синф хоналарда бу йил ҳам қўлларни ёзишга қовушмай совуқ қотган ўқувчиларни тасаввур қилсам, кўрқиб кетаман.

— **Мана сиз география ва биология фанларидан дарс берар экансиз? Ўз дарсларингизга ўқувчиларни жалб эта оласизми? Бу фанга ўқувчиларни қизиқиши ҳақида гапирсангиз.**

— Рост йилдан-йилга дарс бериш оғирлашиб бормоқда. Чунки замонга мослашиб бораётган ўқувчилар онгига турли томондан олинадиган хабарлар, давр шиддати таъсир қилмай иложи йўқ. Шунга қарамасдан, география ва биология фанига ўқувчилар анча тийрак қизиқиш билан қарашмоқда. Дарс давомида улар менга жаҳоншумул саволлар билан мурожаат қилишади. Гарчи саволлар дарсга алоқадор бўлмаса-да, уларнинг қизиқишларини, ҳар бир янгилликка интилишларини куриб хурсанд бўлиб кетаман. Айниқса, мактабимизда чуқурлаштирилган синфларда дарс утсангиз, ҳузур қиласиз. Яна



Ўқувчи қандай бўлиши керак?

лан давра суҳбатлари ва турли тадбирлар утказиб турамыз. Мактабимизни таъмирлашда ҳам ота-оналарнинг хизматлари катта бўлмоқда.

чи ажратиш билан бошлади. — Сен келажакда ким бўлмоқчисан? — сураймиз гумбазлик 1-синф ўқувчиси Азаматдан. — Катта бўлсам, ўқитувчим— Улуғбек акам сингари муаллим бўлмоқчиман. Қишлоғимиз болаларини ўқитиб,

мат қилаётган Гумбаз қишлоғимизда саводсиз усаётган болаларнинг кейинги тақдирини маҳаллий ҳокимликларни ҳеч ҳам қизиқтирмайпти, — дейди ота-оналар номидан қишлоқ фаоли М. Эшонқулов, — қишлоғимизга энг аввало мактаб зарур. Поликли-

Ўтган ўқув йилида Гумбаз қишлоғидаги 20 дан ортиқ бола қаҳратон қишнинг совуғига, ёзда жазирама иссиққа дош бериб, 12 км. масофани босиб, қишни қишлоқдаги 7-мактабга қатнаб ўқишди. Аввалги ўқув йилида эса 200 нафар гумбазлик бола мактаб юзини умуман кўрмади...

Республика матбуот нашрлари саҳифаларида бу ҳақда жиддий мақолалар чоп этилди. «Гап куп-у, кумир оз», деганларидек, минг афсуски, маҳаллий раҳбарларга бу чивин чаққанчалик таъсир этмади. Улар галати йўл туттишди: Ш. Рашидов туман ҳокимлиги раҳбарлари «Мендан кетгунча» қабилида иш туттишиб, «Сопини узидан чиқаришди». «Пахтаобод» деҳқон-фермер хўжалигининг 7-булими хизмат машинасига (кесрагича жиҳозланмаган) ўқувчиларни қишни қишлоқ мактабига ташиш вазифасини ҳам юклаш билан чекланишди. Бу масаланинг ечими эмаслиги-

ни маҳаллий раҳбарлар жуда яхши билишади. Уларнинг мақсади—матбуотнинг танқидий чиқишига жавоб бериш, вақтинчалик бўлса-да, танг вазиятдан чиқиш эди ҳолос.

Гумбазлик ота-оналар бўлса, бутун қиш-қировли кунлар давомида фарзандларини-

ниг дуруст жиҳозланмаган автомашинада мактабга қатнашлари, улар саломатликлари учун қони зарар эканлигини уйлаб, жонлари ҳалакда бўлди.

1996—97 ўқув йили бошланишида Ш. Рашидов туман Халқ Таълими бўлимидагилар антиқа йўл туттишди. Қишлоқдаги масжид биносининг бир хонасини бошланғич таълим мактаби учун ижарага олиб, янги ўқув йилини 30 га яқин болага 2 нафар ўқитув-

саводли қилмоқчиман.

Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида саводхонлигини ошираётган Азаматнинг бийрон-бийрон сузлари катталарни мулзам этиб, уйга толдириши тайин. Шу уринда гумбазлик ота-оналарнинг бир қисми ўз фарзандларини дурустроқ билим олишлари учун ота-инилари яшайдиган шаҳар ва қишлоқлардаги мактаб-интернатларга юборишганлигини айтиб ўтиш жоиз.

— 40 га яқин оила истиқо-

ника, маданий-маиший объектлар, йўл, ичимлик суви келтириш бўлса, вақти-соати билан қишлоқдошларимиз пешонасига битиб қолар.

Гумбаз қишлоғининг қаерда жойлашгани билан қизиқаётгандирсиз, балки? Мазкур қишлоқ Тошкентнинг Термиз катта ўзбек автомагистралининг чап биқинида жойлашган.

Яқинда ушбу мавзу юзасидан Ш. Рашидов туман Халқ Таълими бўлимида бўлиб, раҳбарлар билан суҳбатлашдик.



бир нарсани айтиб ўтишни таъбирга жоиз деб билардим. Баъзи бир ўқувчилар оиласи таъсирида бозор-учарга, савдосотиққа қаттиқ ружу қуйишган. Уларнинг кўнглига қулоқ солиб курганимда, ўқиш урнига мол-дунёга ҳавас қуйганларини куриб хафа бўлиб кетаман. Лекин барибир у болалар ҳам ўқишнинг қадр-қийматини, келажакни яхши тушуниб олади деб уйлайман.

— **Сизга қанақа ўқувчилар ёқади?**

— Менга, менга ухшаган барча ўқитувчиларга одобли, зукко, қобилиятли, билимга чанқоқ, шу билан бирга ўқитувчининг дангаса бўлишига йўл қўймайдиган ўқувчилар ёқади. Энг асосийси, ўқувчилар сизни, сиз уларни яхши курганингиз бўлгани...

Мана яқинда истиқлолимизнинг олти йиллик туйини нишонлаймиз. Бу санага бағишлаб тайёргарлиқни аллақачон бошлаб юборганмиз. Айни пайтда катта саҳна қуриниши тайёрлаяпмиз.

Биз ўқитувчилар келажакнинг ҳақиқатини яратувчиларимиз. Ҳар бир ўқитувчи келажакни виждони бўлмоғи керак. Виждон бу — ҳақиқатдир. Зеро, келажакни ҳақиқат асрайди.

Суҳбатдош: Ҳалима АХМЕДОВА.

Бонг урамиз!

Булум мудир Ақром Қоракулов ишни яқинда бошлаганини, гумбазлик болалар бошланғич синфни яна уша масжид биносига давом эттиришлари, юқори синф ўқувчилари бўлса, аввалгидек қишни қишлоқ мактабига қатнаб ўқишларини маълум қилди.

Хуш, аҳвол шундай узгаришсиз қолар экан, гумбазлик ота-оналарнинг хоҳиш-иродаси нима бўладию, етолмас бўлиб туюлаётган орзулари қачон ушалади? Хуллас, бу янги ўқув йилида ҳам гумбазлик болалар 12 қақиримлик масофа орасида сарсону саргардон буладиганга ухшайдилар. Балки, мазкур масаланинг аниқ ечимини Сирдарё вилоят ҳокимлигидаги мутасаддилар уйлаб куриб, бир тухтамга келишар. Қани, тинглаб, қурайлик-чи, улар нима дейишаркан?

Абдуманноп АЗИМОВ, Сирдарё вилояти, Ш. РАШИДОВ тумани.

МАКТАБМИ БУ, ЁКИ...

ниг дуруст жиҳозланмаган автомашинада мактабга қатнашлари, улар саломатликлари учун қони зарар эканлигини уйлаб, жонлари ҳалакда бўлди.

Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида саводхонлигини ошираётган Азаматнинг бийрон-бийрон сузлари катталарни мулзам этиб, уйга толдириши тайин. Шу уринда гумбазлик ота-оналарнинг бир қисми ўз фарзандларини дурустроқ билим олишлари учун ота-инилари яшайдиган шаҳар ва қишлоқлардаги мактаб-интернатларга юборишганлигини айтиб ўтиш жоиз.

— 40 га яқин оила истиқо-



Мактаб бошланишига ҳам санокли кунлар қолди. Болалар яқин кунларда бошланжак мактабга қандай тайёргарлик кўраётдилар?

Уларнинг жавобларини қандай бўлса, шундайлигича ёзиб олдик.

Хасан ва Зухра Хошимовлар, Тошкент шаҳридаги Фуркат номли 196-мактабнинг 8-«В» синф ўқувчилари.

—Оромгоҳга бормаган бўлсак ҳам, яхши дам олдик. Буш вақтларимизда қизиқарли китоблар ўқидик. Айниқса, ту-

нов куни курган «Ужас» киноимиз жуда ҳам зўр экан.

Хуршида Муродхўжа қизи, Наманган вилояти, Чуст туманидаги 21-ўрта мактабнинг 4-синф ўқувчиси:

— Мен опам Хуррият, укам Гуломжон билан Тошқурғондаги «Сулим» деган оромгоҳда булдик. Борган кунимиз-

шаҳар, Собир Раҳимов туманидаги 28-ўрта мактабнинг 7-синф ўқувчиси:

— Мен бу йил ҳеч қайси оромгоҳга бормадим. Сабаби, синглим Юлдуз билан ойимни ёлғиз қолдириб кетгим келмади. Дадам утган йили вафот этганларидан кейин ойим фақат менга суяниб қол-

читиги экишни бошлади. Мен уларга чой ташиб турдим. Бу йил баҳор серёгин келганлиги учун олдин чиққан гузаларни қатқалоқ қилиб ташлади. Бизнинг гузаларимиз кечга қолганлиги учун бу калтакдан омон қолди. Ҳа, мендан таътил ҳақида сурадингиз-а?



нинг эртасига укам Гуломжон оромгоҳ олдидадан оқиб утадиган ариқчага тушиб кетиб, кийимларини шалаббо қилди...

Тарбиячи опалардан шунақаям уялдики, худди биз узимизни уйнатиб, унга қарамагандек булдик-да... Жуда кўп дугоналар билан танишиб, уларнинг қасрга жойлашганини ёзиб олдик. Насиб этса, қишқи таътилимизда аям билан дадамни олиб бормоқчимиз.

Азизбек Содиқов, Тошкент

ганлар. Биз ойим билан уйлаб уйлаб 309- Шарқ тиллари лицейига ҳужжат топширадиган булдик. Айтишларича, жуда ҳам зўр лицей экан... Лекин, таътилни бекор утказмадим. Инглиз тилидан мактабда олган билимларимни чуқурлаштириш мақсадида инглиз тили муаллимамининг уйларига қатнадим. Ҳозир инглиз тилини анчагина яхши ўргандим, десам бўлади. Чунки, муаллимамининг мендан хурсанд бўлиб, ойимга гапираётганларини ўз қулоғим билан эшитдим.

Шокиржон Худойназаров, Жиззах вилояти, Шароф Рашидов жамоа хўжалиги, Н. Жамолова номли ўрта мактаб ўқувчиси.

— Биз бешта ака-укалармиз. Урганча акам узимиз яшаётган хўжаликда бригада бошлиғи бўлиб ишлайдилар. Бу йил жуда ғалати воқеа булди. Ҳамма бригадаларда чигит экиш ишлари тугаб кетгандан кейингина акаларим

Бу йил таътилни оиламиз даврасида утказдим ва утказаяпман.

Дала ишларига ёрдамлашаяпман. Жисмоний меҳнат инсонни тарбиялайди, дейишади...

— **Мактабда ўқиш яхшими, далада ишлашми?**

— Далада ишлаш учун ҳам мактабда ўқиш керак бўлади. Шу кунларда акаларим қатори далада юрибман. Қўлимдан келган-келмаган ишларга аралашгим келади. Шунда катта акам — у ариқ билан бу ариқ ёқасидаги гуза шоналарини санаб чиққин, — дейдилар. Улар икки томондаги ер кучини синаб кўриб кейинги йил учун хулоса чиқарадилар. Тугриси, мактабни соғиндим. Мактабни яхши томонлари кўп-да! Масалан, озода куйлакда бориб, топа-тоза синфларда — дўстларинг даврасида ўқиб келишга не етсин?

Суҳбатдош: Бахтиёр АХМАДАЛИЕВ.

«Б»

Баҳромнинг тоғаси биржада ишлашини яқинда билдию, лекин у қанақа жой, у ерда одамлар нима билан шугулланишади — сира кўз олдига келтиролмади.

Келинг, шунинг учун ҳозир «биржа» сўзи ҳақида суҳбатлашайлик. Ажабмас, Баҳром ҳам шундан кейин тоғаси қасрда ишлаши ва нима билан шугулланишини билиб олса?!

Шундай қилиб, «БИР-

тиёр.

Уртоқлари ҳайрон бўлиб қолишди. Улар бунақа ғалати сўзни сира эшитишмаган эди-да!

Шундан кейин Бахтиёр уларни ялантириб ўтирмай, брокер нима деганини тушунтириб қўйди.

Мана, унинг айтганлари.

«БРОКЕР» инглизчасига «фонд, товар, валюта биржаларида олди-сотди битимлари тузишда воситачилик қиладиган корхона ёки биронта одам» маъноларини англата-

Иқтисодиёт сабоқлари

Америкада доллар, Қозогистонда тенге, бизда эса сўм деб аталади.

Шунингдек пул урнини боса оладиган чеклар ва векселлар ҳам валюта деб юритилади.

«ВЕКСЕЛЬ»

Василанинг дадаси банкда ишлайди. Бир куни дарс тайёрлаб утирган эди, телефон жиринглаб қолди. Дадасини йўқлашгаётган экан. Дадаси ким биландир узоқ суҳбатлашди ва гап орасида «Вексель» деган сўзни бир неча маротаба тилга олди.

Васила эса бунга тушунмади. Дадасидан сураганди, у мана шундай тушунтирди.

«ВЕКСЕЛЬ» немис тилида «айирбошлаш» дегани. Масалан, мен сенга ун сўм қарз бердим. Сен уни белгиланган муддатда қайтаришинг керак. Ана шу нарсани қонунийлаштириб тилхат ёзилса, у қимматбаҳо қоғозга, яъни векселга айланади. Яъни уша сен «қарз олдим, фалон пайтда қайтараман», деб ёзиб берган тилхатинг пул урнини боса олади. Тушундингми?

— Тушундим! — деди Васила қувониб.

Нега энди қувонмасин? Ахир тил битта янги сўзга бойиди-да!..

Эркин УСМОНОВ.

«А» ДАН «Я» ГАЧА...

ЖА» сўзи немисча «ҳамён» дегани бўлиб, у бозорни уюштиришнинг ташкилий шакли ҳисобланади.

Биржалар ҳар хил бўлади. Масалан, товарлар биржаси, фонд биржаси, меҳнат биржаси ва ҳоказолар.

Товар биржасида дон, пахта, металл ва бошқалар сотилса, Фонд биржасида қимматбаҳо қоғозлар сотилади. Валюта биржасида пуллар билан савдолашिलाди.

Меҳнат биржасига ишчи кучи билан олди-сотди қилинади, одамларни ишга жойлаштириш ишларида ёрдам курсатилади.

«БРОКЕР»

— Мен катта бўлсам, Бокержон акамга ухшаб брокер буламан! — деб мактабда қолди бир куни Бах-

ди.

Ҳозирги вақтда фонд ва товар биржаларида, валюта ва сугурта бозорларида брокерликнинг ўрни жуда катта бўлиб, у харидорлар ва сотувчилар уртасидаги олди-сотдига ёрдам беради.

«ВАЛЮТА»

Болалар, кейинги пайтларда сиз «валюта» деган сўзни кўп эшитасиз, кўп учратасиз. Хуш, «валюта» деган сўз қандай маънони англатади. У қасрдан бизнинг тилимизга кириб келди?

Навбатдаги ҳикоямиз шу ҳақда.

ВАЛЮТА италянча сўз бўлиб, «қадрланмоқ, қиймат» маъноларини англатади. Биласизки, ҳар бир мамлакатнинг ўз пул бирлиги бор. Масалан, Россияда рубль дейилса,



Катта тезликда кетаётган машина бирдан таққа тухтади. Унинг ичида оғриқдан башараси буришиб кетган бир йигит кукрагини чангаллаб утирарди.

Машинани автомат-робот бошқарарди, Кабинасида митти телевизор, жажжи кибер аппаратуру икки кишига мўлажалланган уриндик бор эди...

Йуловчи телевизор олдидаги қизил тугмачани босди.

Қунгироқ жиринглади. Электрон ҳисоблаш машинаси чиқилиб ишга тушди. Ёзув столи тугрисиди турган телевизор экрани ёришиб машина уриндиғиди букчайиб турган йуловчи кўринди.

Хона турида утирган қора кўзойнак таққан киши уридан туриб электрон ҳисоблаш машинасининг олдида келди. Ундан чиқиб турган қозонни қўлига олиб кўз югуртирди:

«Қизил рангли снгил машина чорак соат муқаддам 88-уй олдида сув ости шаҳри томон йўл олди. Ҳозир катта йўлнинг 115-километрида турибди.

Аниқланган баъзи маълумотлар:

Йуловчининг исм-фамилияси-Қосимжон Собиров. Куринишидан 20 ёшларда. У бирдан хаста бўлиб қолди. Касаллик диагнози аниқланмади».

Машинадаги телевизор экрани ёришиб, қора кўзойнак таққан кишининг юзи пайдо бўлди. Қосимжон Саид Воҳидовични таниди. — Сизга нима бўлди? — сўради Саид Воҳидович, — сизга нима бўлди? — Унинг қаттиқ ташвишланаётганлиги яққол сезилиб турарди.

Қосимжон Собиров зўрға жавоб қилди:

— Юрагим санчяпти, нафас ололмаяман...

— Ҳозир сизга ёрдам етиб боради, унгача чузилиб ётингда, қўлларингизни кутариб-тушириб туринг. Шунда юрагингизнинг санчиши тухтайди. Чап томондаги тугмачани боссангиз уриндик ётиб, ухлайдиган мосламага айланади. Ҳозир сизга ёрдам етиб боради.

Телеэкран қорайиб қолди.

Қосимжон Собиров кук тугмачани аста босди... Чалқанча тушиб ётди-да, қўлларини кутариб-тушира бошлади. Нафас олиши бироз снгиллашгандек бўлди.

Унинг юзи оқариб кетган, пешонасида тер томчилари ялтирарди.

Қосимжон қора қош, қирра бурун, чиройли юзли йигит эди. У ҳар гал қўлларини

кутариб-туширганда ҳақиқатдан ҳам кучли оғриқ тарқалаётгандек бўлди.

Лекин у оғриқ камайган сари юзда ажинлар пайдо бўла бошлаганини, қошлари, қоп қора сочлари оқариб қолаётганини, ҳатто соқол-мўйлови мисли қўрилмаган тезликда уса бошлаётганини сезмасди.

чалик ҳолдан тойганидики, бошини кутариб ташқарига қаролмади.

Қосимжон ётган машина эшигини оқ халат кийган шифокор қиз астагина очди.

— Қосимжон Собировмисиз? — сўради у.

— Ҳа.

Шифокор қиз ажабланга-

шундай деди: «Медицина академияси қошидаги илмий текшириш муассасасига».

Машина йўлга тушди. Унинг тезлиги тобора ортиб борар, спидометр мили 500 рақами устида чайқалиб турарди.

— Аҳволингиз қалай? — сўради ҳамшира қиз.

Абдужалил ЗОКИРОВ



Кукракдаги оғриқ тухтади. Ниҳоятда чарчаган Қосимжон Собиров ҳам ҳаракатларини тухтатди.

У «гий-гий» деган товушни эшитиб, машина тормоз берганини, узига ёрдам етиб келганини сизди. Бироқ шун-

нича, машинадаги иккинчи уриндикқа утирди. Жажжи мосламаси билан хастанинг юраги ва упкасини текширди. Дори ичирди. Кейин кабинадаги автомат аппаратининг микрофонини қўлига олди. Оғзига яқинлаштириб,

— Яхши бўлиб қолдим, — Қосимжон шундай деди-да, инқиллаб чўнтагидан дастурмолини олди. Пешонаси, юзларидидаги тер томчиларини артиб қўймоқчи эди, дастурмоли галати бир нарсга теккандек бўлди. Қўли билан

(Давоми бор)

Юрган — дарё

ОДАМ ЮРСА ОЎҒИ, ҚУШ
УЧСА ҚАНОТИ КУЯЙ


Саҳрои Кабир — ер юзидаги энг катта чул. У Африканинг шимолий қисмида жойлашган бўлиб, қитъанинг 1/3 қисмини эгаллайди. Саҳрои Кабирнинг майдо-ни Ўзбекистон территориясидан 15 баравар катта. Бу чул Шимолий ярим шарнинг қуруқ пассатлар зонасида бўлганлигидан бу ерда ёмғирлар ниҳоятда кам ёғади, ёққанда ҳам, ер намлиланмайди. Чулнинг ҳавоси жуда ва ҳаддан ташқари иссиқ. Тароблис шаҳри яқинидаги Азия қишлоғида ҳаво ҳарорати соя жойда ҳатто 58 ° га етган ҳоллар ҳам бўлган. Қуёш нури тушиб турган тош ва қоялар 90 ° гача қизиб, сув қайнайдиган даражагача яқинлашади. Ҳавонинг ер бетига яқин қатлами жуда қизиб кетиши натижасида ҳаво ҳарорати ва хусусиятлари жиҳатидан бир-биридан фарқ қиладиган қатламларга ажралади. Бундай қатламларда ёруғлик нури синиши туфайли сароб вужудга келиб, уфқда мавж уриб турган қўллар, қўм-қўқ воҳалар шаҳарлар кузга қўринади. Ҳозирги кўпгина карвон хариталарида Саҳрои Кабирда тез-тез учраб турадиган сароблар, ҳатто қасрда қудук, қасрда воҳа ёки хурмозорлар ва тоғлар қўриниши белгилаб қўйилган.

Саҳрои Кабирда кундузи жазирама иссиқ бўлса, тунлари ҳаво совуб кетади. Шуниси қизиқки, кундузги жазирама иссиққа чидаган киши тунги совуққа бар-

дош бера олмайди. Саҳрои Кабирда чанг ва тузон, шамоллар, қўм бурунлари тез-тез бўлиб туради. Шамол қўм зарраларини катта тезликда учиради, йўлида дуч келган нарсаларни юлиб-юлқиб, емириб, парчалаб, баъзида учуриб ҳам кетади. Жазирама иссиқ кунлардаги шамоллар натижасида ҳаво электрлашади. Иссиқ шамол бутун бир воҳанинг ҳосилини бир неча соатда нобуд қилиши мумкин. Саҳрои Кабирда қўюнлар ҳам бўлиб туради. Қўюн пайтида қўм ва чанглар осмонга гирдоб бўлиб кўтарилади. Чулда қишлоқлар кам бўлганлигидан қўюн унча катта талофат келтирмайди.

Шамол Саҳрои Кабирнинг чанг-тузонларини баъзан минглаб километр масофага, ҳатто, Европагача учуриб бориши мумкин. Саҳрода қаттиқ шамоллар эсган кезларда «қуруқ туман» бўлади. «Туманда» сал нарироқдаги буюмлар ҳам қўринмай қолади. Ҳайвонлар йўл топа олмайдилар. Саҳрои Кабирда қўллар ҳам учрайди, лекин улар шўр ботқоқликдан иборат бўлиб, юзини қаттиқ туз қатлами қоплаган бўлади. Саҳрои Кабирнинг ери «тузон-тупроқли» ерларда оёқ тизза баравар тупроққа ботиб кетиши мумкин. Саҳрои Кабирнинг кўпроқ қисмини қўмли чуллар ишғол қилган, айрим жойларида қўмлар зичлашиб, қаттиқ қатламга айланган. Бошқа жойларида баландлиги 100—200 метр келадиган қўчиб юривчи қўм тепалар бор. Саҳрои Кабир қўмлари қўёш нурида қўнғир-қизғиш, сарғиш-тиллаланг товланади. Тошлук чуллар қиррали тошлар ёки майда шағал билан қопланганлигидан туяларнинг, ҳатто машиналарнинг юриши қийинлашади.

Дония ЗОКИРОВА.



ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚЎМИТАСИ

Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА
Тахрир хайъати:

Муртазо СУЛТОНОВ, Жаббор РАЗЗОҚОВ, Гулнора
ЙЎЛДОШЕВА, Шермат ЁРМАТОВ, Хотам АБДУ-
РАИМОВ, Муқимжон ҚИРҒИЗБОВ, Дадаҳон
ЁҚУБОВ, Исфандиёр ЛАТИПОВ, Юсуф
ШОДИМЕТОВ, Феруза ОДИЛОВА.

ГВМ компьютерида терилди ва
саҳифаланди. Офсет усулида
босилди. Ҳажми 1 босма табоқ
Буюртма — Г-0447.
10960 нусхада босилди.
Қўғоз бичими — А-3.
Босишда тошириш вақти 19.00
Тоширилди — 18.30
Навбатчи муҳаррир М.Малҳомова.

Рўйхатдан утин тартиби
№ 000137
Манзилими: 700083,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси,
32-уй.
Нашр курсаткичи: № 64563

Телефон:
33-44-25

